O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 20 февраль, №42 (3154) Пайшанба

МУЗЕЙ БИЛАН ТАНИШУВ

19 февраль куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи давлат музейини бориб кўрди.

Мазкур музей 1992 йили ҳукуматимизнинг қарорига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, мамлакатимизнинг йирик илмий-тадқиқот, маданий-маърифий муассасаларидан биридир.

Умумий сатҳи қарийб икки минг квадрат метрни эгаллаган ва беш мингга яқин ноёб экспонат жамланган ушбу музей Ўзбекистон халқининг энг қадимги даврларидан бугунги кунигача бўлган улкан тарихидан ҳикоя қилади.

Музей билан танишар экан, Президентимиз залларнинг жиҳозланиши, экспонатларнинг жойлаштирилиши юзасидан ўз мулоҳазаларини баён қилди. Таклифларини айтди. Бу ердаги ҳужжат ва ашёлар нафақат мутахассислар, балки кенг жамоатчилик қизиқиб томоша қиладиган, ўрганадиган ҳамда жаҳон аҳли тарихимизни эътироф этадиган даражада мукаммал бўлиши зарурлигига эътиборни қаратди.

— Музей — халқ тарихининг кўзгуси эканлигини назарда тутсак, у шу халқнинг фарзандлари — келажак авлод қалбида фахр-ифтихор туйғусини уйғота олиши керак, — деди Ислом Каримов.

— Бизнинг вазифамиз эса буюк тарихимизни мана шундай маърифий масканлар ёрдамида авлодларимизга тўлалигича етказиб беришдан иборат.

Давлатимиз раҳбари музейнинг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

(ЎзА).



Чигит экишга ҳозирлик

«Ёрқишлоқ» ширкат хўжалиги — Жалолқудуқ туманидаги энг илғор жамоалардан бири. Хўжалик деҳқонлари ўтган йили ҳар гектар ердан 33,6 центнер ўрнига 46,3 центнердан пахта, 60 центнер ўрнига 77,8 центнердан ғалла етиштиришган эди. Жорий йилда улар пахта ҳосилдорлигини 50 центнерга, ғалла ҳосилдорлигини эса 80 центнерга етказишни мўлжаллашмоқда. Шу мақсадда кузда мавжуд экин майдонлари сифатли шудгорланиб, пушта олиб қўйилди. Барча техника воситалари таъмирдан чиқарилди. Айни пайтда жамоа аҳли плёнка остига чигит экишга пухта ҳозирлик кўрмоқдалар, ғалла майсаларини оби-тобида парвариш қилмоқдалар.

СУРАТДА: илғор механизатор Маҳамадсодиқ Тўхтабоев мавсумда 100 гектар майдонга барака уруғи қадамоқчи.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Маърифат соати

Суҳбат асносида бир танишим туйқусдан:

— Нима сабабдан Ватан ҳақида кўп ёзасиз? Ёки Ватанни ҳаммадан кўра кўпроқ яхши кўрасизми? — деб сўраб қолди.

Ўшанда таънаомуз янграган бу саволга ҳазилнамо жавоб қилгандим. Аммо орадан анча фурсат ўтган эса-да, ҳамкасбимнинг саволини сира эсимдан чиқара олмадим. Ҳа, ҳақиқат аччиқ бўлиши шундандир-да... Аммо, бир ёмоннинг бир яхшиси бор, деганларидек, ўша таъна асносида узоқ бош қотиришимга тўғри келди. Алал-оқибат, яна ушбу мавзуга қайтдим.

Ватан билан фахрланмаслик — беватанлик

Ҳа, тўғри, биз Ватан, Ватанни севиш, Ватанга содиқ бўлиш, Ватан учун жон фидо қилиш ҳақида кўп гапирамиз. Аммо Ватанни севиш ҳақида гапириш бошқа-ю, уни юрак-юракдан жимгина севиш бошқа...

Бир неча йил муқаддам «Умид» жамғармасининг танловидан ўтиб, Американи Небраска штатидаги Крейтон дорилфунунида таҳсил олаётган Нилуфар Раҳимова билан суҳбатлашгандим. Нилуфар гап орасида ойиси ва укаси Шоҳруҳ тез-тез тушига киришини, шунда юрагини соғинч қамраб олганидан ўзини қўярга жой тополмай қолишини, ҳатто ҳамма нарсани ташлаб, уйга қайтиб келгиси келишини сўзлаб берганди.

— Бахтингизга бундай пайтда телефон жонингизга оро кирса керак-а, — дедим мен.

— Йўқ, телефон ёрдам бермайди, — эътироз билдирди Нилуфар. — Аввалам-бор, ойим кун бўйи ишдалар — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида дарс берадилар. Укамнинг куни мактабда, тўгаракларда ўтади. Бунинг устига ҳадеб уйга қўнғироқ қилаверишнинг иқтисодий муаммолари ҳам бўлади, — у менинг саволомуз нигоҳимни сезиб, сирли жилмайди. — Биласизми, шундай пайтда мен... атлас кўйлагимни кийиб оламан. Ўшанда... Очиғини айтсам, укамни; онамни, Ўзбекистонимни кўргандек бўламан.

Ватан соғинчи... уни мусофирликни бошдан кечириб кўрганлардан сўранг. Қадрдон тупроғидан узоқда яшаганларгина Ватан соғинчи нелигини айтиб бероладилар. Ватан соғинчи нелигини ўзга элларда яшашга мажбур, ҳар тун тушларида Ўзбекистоннинг толларини кўриб, ариқ ёқасидаги ялпиз исини димоғида сезиб уйғониб кетувчи, кейин то тонг саҳар қадар юрагидан соғинч ҳиссини кетказолмай, бедор чиқадиган инсонлардан сўранг. Аммо...

Бир неча йил муқаддам Международенск шаҳрида яшовчи ўзбекистонлик бир аёл билан танишиб қолдим. У менга қадрдон қишлоғини ҳар куни тушида кўришини, ҳатто терак шохидаги чумчуқларнинг чирқиллашигача аниқ-таниқ эшитиши ҳақида сўзлаб берганди. Эри шу ерда жазо муддатини ўтаётганлиги туфайли бу аёл уч фарзанди билан бу ерларга келиб қолганди. Гарчи у фарзандлари отасига яқинроқ бўлсин учун шу ишни қилганини айтиб ўзини оқлашга уринса-да, юрагидаги юрт соғинчини яширишнинг уддасидан чиқолмасди. «Эрим калта ўйлаганлиги, гумроҳлиги туфайли мени ҳам, фарзандларини ҳам беватан қилди», деди у. Эрининг гуноҳи туфайли элюрт олдида хотинининг ҳам, уч нафар фарзандининг ҳам боши эгик қолган, улар иснод ичра яшагандан кўра мусофирчиликда яшашни маъқул кўришган эди.

Мен бир аёлни танирдим. Узоқ йиллар мобайнида унинг ҳаётини кузатдим, шодлиг-у қайғуларига гувоҳ бўлдим ва одамлар наздида тилга олишга арзигулик ҳеч қандай иш қилмагандек кўринувчи оддийгина аёлнинг ҳаёт йўлидан ўзимга сабоқ оларли баъзи хулосалар чиқарганман. Украин қизи Люба опа худди ўзбек келинчаклари сингари рўмолни бошдан қўймас, тандирда нон ёпишию ўзбек тилида қотириб сўзлашини кўрган одам унинг бошқа миллат қизи эканлигига асло ишонмасди. Мен эса Люба опанинг фермада ўнлаб сигирларни соғиб келиб чарчашига қарамай, фарзандларига қўшилиб дарс тайёрлаб ўтиришларига гувоҳ бўлардим. Люба опа бир этак фарзандлари ташвишидан ортиб, қўлига тушиб қолган ўзбек тилидаги газета-журналлар, китобларни ўқишга вақт топар, тушунмай қолган сўзларини сўраш учун эринмай олдимга келарди.

— Ўзинг билан ёнма-ён яшаётган одамларнинг тилини, маданиятини, ташвиш ва қувончларини тушунмаслик уларга нисбатан ҳурматсизликдир, — дерди у менга. — Бу борада китобдан ҳам тўлароқ маълумот берадиган манба борми?

Люба опа мени ҳар кўрганида Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Ҳайриддин Султоновларнинг янги китоблари чиқиб қолса, келтириб беришимни илтимос қиларди. Бир куни эса ҳовлиққанча тўнғич ўғлининг дафтарини кўтариб келди. Дафтарни очиб қарадим. Ватан ҳақида ёзилган иншо. «Тўрт» баҳо қўйилган.

— Ўқинг, ўқиб кўринг, — деди у негадир ийманиб.

Ўқидим. Иншо тузукки-на ёзилган, Ҳатто «Қорнинг тўйиб, эгнинг бут бўлаётган юрт эмас, балки ўзинг жондилингдан севадиган, унинг учун ҳаётингни фидо қила

(Давоми 3-бетда).

Олий Мажлисда



Кеча Олий Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари ҳақидаги маърузасида баён этилган муҳим вазифалардан бири бўлган ижтимоий сиёсатни ривожлантириш бўйича тузилган кичик гуруҳнинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ижтимоий масалалар ва бандлик ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмиталарининг Ижтимоий сиёсатни ривожлантиришга оид Концепциясида назарда тутилган вазифаларни бажаришдаги асосий фаолияти муҳокама қилинди. Жумладан, соғлиқни сақлаш ва фуқароларнинг ижтимоий таъминланиши, маънавият ва маърифат соҳаларига оид қонунларни такомиллаштириш орқали ижтимоий сиёсатнинг ҳуқуқий асосларини таъминлаш имкониятларига батафсил тўхталиниб, Концепцияда кўрсатилган қатор қонунлар лойиҳалари устида иш олиб борилаётганлиги таъкидланди.

Шунингдек, амалдаги қонунларни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва халқаро Конвенциялар нормаларига уйғунлаштириш бўйича иш олиб бораётган тегишли вазирликлар ва идоралар вакилларининг ахбороти эшитилди.

Ҳар иккала қўмита томонидан назорат-таҳлил фаолиятини амалга ошириш масалалари юзасидан ҳам белгиланган режаларни бажариш тўғрисида келишиб олинди.

Жойлардан хабарлар

Аҳоли фаровонлиги учун

Яқинда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Хёрбст АҚШнинг Халқаро ривожлантириш агентлиги (ЮСАИД) томонидан молиялаштирилаётган Ёзёвон туманидаги «Оқ олтин» сув истеъмолчилар уюшмасида олиб борилаётган ишлар жараёни билан танишиш учун Фарғона вилоятида бўлди.

«Оқ олтин» лойиҳаси мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларга кўмаклашиш, фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашни кўзда тутади.

Элчи жаноблари Наманган шаҳридаги «Мустақилликнинг 5 йиллиги» маҳалла фуқаролар йиғинига ҳам ташриф буюрди. У АҚШ ҳукумати молиялаштираётган яна бир режа — аҳолига табиий газ етказиб бериш бўйича лойиҳанинг очилиш маросимида иштирок этди.

М.ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Устувор йўналиш моҳияти ҳақида

Республика Миллий матбуот марказида «Хусусий секторни ривожлантириш — устувор йўналиш» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Анжуман Президентимизнинг 2003 йил 24 январда «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳокамасига бағишланди.

— Мазкур Фармон учта асосий масаланинг ечимини таъминлайди, — деди йиғилишда сўзга чиққан республика Давлат мулк қўмитаси раиси М.Асқаров. — Улардан бири директорлар корпусининг роли ва аҳамиятини тубдан ўзгартиришга йўналтирилган. Чунки, мулкчилик шакли ўзгарган бўлса-да, ҳанузгача кўпгина корхоналарга акциядорлар эмас, балки ёлланма хизматчи бўлган директор эгалик қилмоқда. Ишлаб чиқариш корхоналари, акциядорлик жамиятларининг тўла қувват билан ишлашларига тўсқинлик қилаётган омиллар кўп.

Анжуман қатнашчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга тўла жавоб олдилар.

Ш. БОЙМУРОДОВА,
ЎзМУ талабаси.

Мактабларга Япон грантлари

Хатирчи туманидаги 11, 14- мактабларга Япония давлатининг таълим грантлари ажратилди. Билим даргоҳларининг ҳар бири 42 минг АҚШ долларига тенг ўқув дастгоҳлари, компьютерлар ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланадиган бўлди.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Маданий алоқалар ривожи

Ўзбекистон ва Япония ўртасида дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари тобора ривожланяпти. Жумладан, икки давлат телевидение ва радио компаниялари ҳамкорликда дастурлар яратиш, ходимларнинг малакасини ошириш, ўзаро ижодий ва техник ёрдам кўрсатиш борасида қизғин ҳамкорлик қилиб келмоқда.

1998 йилда кунчиқар мамлакат "Эн-Эйч-Кей" телерадиокомпанияси Ўзбекистон мустақиллигига бағишлаб юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, қўлга киритилаётган ютуқлар хусусида тайёрлаган махсус дастурлари кўпмиллионли мухлислар томонидан қизғин қарши олинди. "Асаҳи" телекомпанияси эса турли кўрсатувлар, таҳлилий дастурларни яратди.

Айни чоғда Японияннинг "JAMKO" ахборот маркази томонидан тақдим этилган "Ошин" бадиий фильми ўзбек томошабинларига манзур бўлди. Республика телевидениесининг тўртинчи каналида "Япония — бугун" дастури эфирга берилаётир.

Япония ҳукуматининг "Ўзбекистон Телерадиокомпаниясига Япония теледастурларини тақдим этиш" лойиҳаси доирасида ўқув, ҳужжатли ва мусиқий теледастурларни топшириш маросимида шу ҳақда гап борди. Ўзтелерадиокомпаниянинг халқаро алоқалар департаментидан маълум қилишларича, дастурларнинг қиймати 38,8 млн. иенга тенг бўлиб, умумий сони 399 тани ташкил этади.

Тадбирда Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато қатнашди.

Элбек ХОЛИҚОВ,
ЎзА мухбири.

Хусусий сектор муаммолари

1. Корпоратив мулкчилик

Мамлакатимизда хусусий мулк ва хусусий сектор устуворлигини таъминлаш долзарб вазифа ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим қадам бўлди. Чунки мазкур ҳужжатнинг асосий талаблари хусусий секторни миллий иқтисодиётнинг етакчи секторига айлантиришга ва шу асосда бозор қонун-қоидаларининг амал қилишига кенг шароит яратишга қаратилган. Фармонда, шунингдек, акционерлик жамиятлари акциясининг давлатга тегишли қисмини сотиш, яъни уни хусусий мулкка айлантириш, давлат мулки ҳисобидан хусусий секторнинг қўлидаги иқтисодий ресурсларни кўпайтириш ҳам кўзда тутилган.

Бозор иқтисодиётида хусусий мулк устуворлигини бир ёқлама тушуниб, уни якка (индивидуал) мулк билан чегаралаш нотўғри бўлади. Ҳозир хусусий мулк кўпчилик мамлакатларда корпоратив тавсифга эга, яъни у гуруҳийдир. Мулк улушлари корпорацияларда бирлашиб, ягона капитални ҳосил этади. Бундай шакл капитал қўламига бўлган талабнинг ўзгариши билан боғлиқдир. Шуни инобатга олиб, Фармонда акционерлик жамиятлари устав капитали кам деганда 50000 АҚШ долларига тенг суммани ташкил этиши зарур қилиб белгиланган. Давлат акцияларини сотиб олиш корхоналарга қўшимча капитални жалб этади ва корхона иши натижаларидан манфаатдор шахслар доирасини кенгайтиради. Энг муҳими, янги мулкдорлар сафи кенгаяди, бу эса иқтисодий маъсулиятни кучайтиради.

Агар 1999 йили акциядор фуқаролар 800 минг нафарни ташкил этган бўлса, 2003 йил бошларига келиб, улар сони 1,3 миллионга етай деб қолди. Президент Фармонини ҳаётга изчил татбиқ этиш бу кўрсатмазмундаги мулк бўлмай қолади. Шундан келиб чиққан ҳолда хусусийлаштирилган акционерлик жамиятларидаги корпоратив бошқаришни демократлаштириш орқали унинг кучини янада оширади. Яқин келажакда Ўзбекистон аҳолисининг 8-10 фоизи акциядорларга айланади, натижада корпоратив хусусий мулк мавқеи янада мустаҳкамланади.

2. Мулкдорлар манфаати

Корпоратив мулкнинг муҳим муаммоси акция эгаларининг мулкдор сифатидаги манфаатини юзага чиқаришдан иборат. Ўз эгасига дивиденд келтирмаган акция бир парча қоғозга айланади, у иқтисодий самарадорлигини таъминлаш Президент Фармонида олга сурилган муҳим вазифалардан биридир.

Корпоратив бошқариш акционерлик жамиятларининг самарали ишлашини таъминлаши даркор. Бунга эса бозор механизмларини ишга солиш орқали эришилади. Фармонда ана шуларни назарда тутган ҳолда ассоциациялар, холдинглар, компаниялар, корпорациялар, концернлар ва бошқа бирлашмаларнинг корхоналар ишига ҳеч бир асоссиз аралашишларга йўл бермаслик кўзда тутилади. Бу ғоят муҳим иш, чунки айтилган ташкилотлар

Бугуннинг гапи

илгари вазирликлар ва қўмиталар вазифасини бажариб келган, яъни маъмурий-буйруқбозлик усуллари қўлланилиб, корхоналар ташаббуси маълум даражада бўғиб келинган эди. Эндиликда корхоналар булардан қутилади, улар мустақил субъект сифатида бозор қонун-қоидаларига биноан ишлаш имконига эга бўладилар. Фармонга биноан, зарур моддий ресурслар корхоналарга юқоридан туриб тақсимланишига ҳам йўл қўйилмайди.

3. Рентабеллик сари

Фармон талабларини давлат акцияларини шунчаки тарқатиш, деб тушуниш керак эмас. Унда мулкни сотиш билан бирга корпоратив бошқаришнинг бозор усулларини жорий этиш кўзда тутилганини ёддан чиқариб бўлмайди. Эндиликда акционерлик жамиятлари ҳам бозор орқали рақобат

(Давоми 2-бетда).

БЕВОСИТА МУЛОКОТ

Алло, Сизни Давлат мулки қўмитаси раиси эшитади!

Ҳурматли газетхонлар!

● *Хусусийлаштирилган корхоналарга кўпроқ иқтисодий эркинлик бериш учун нималар талаб қилинади?*

● *Акциядорлик жамиятларига айлантирилган корхоналарда бошқарув ишида акция эгасининг ўрни қандай бўлиши керак?*

● *Хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқаришга оид қонунлар ҳамма жойда изчил татбиқ этиляптими? Агар қонун бузилиш ҳоллари бўлса, бу ҳақда хабар қилинг.*

Хуллас, шу ва шу каби саволларга аниқлик киритмоқчи бўлсангиз

шу йил 25 февраль куни соат 10.00 дан12.00 гача

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси **Маҳмуджон АСҚАРОВ** билан

139-21-01 ва 139-21-02 телефонлари орқали тўғридан-тўғри гаплашиш имконига эга бўласиз.

Агар саволларни олдиндан бермоқчи бўлсангиз, (8-371) 132-10-65, 133-57-98, 133-48-04 телефонлари ёки (8-371) 136-37-85 факси орқали мурожаат этишингиз мумкин.

Интернатдаги манзилимиз: E-mail: **xalksuzi@uzpak.uz.**

ЮРТ ТАҚДИРИ БИЛАН ЯШАЙЛИК!

Хусусий сектор муаммолари

(Давоми. Боши 1-бетда).

қилишлари, бозор талабларига биноан ишлашлари, давлатдан кўмак кутмасдан, ўз фаолиятини ўзлари молиялаштиришлари талаб қилинади.

Давлат акцияларини хусусийлаштиришдан мақсад корпоратив хусусий мулкни, яъни иқтисодий эркинликни таъминловчи мулкни ривожлантиришдан иборатки, бу жадал иқтисодий ўсишни ва халқ фаровонлигини таъминлаши зарур. Ана шуни инобатга олиб, Фармонда белгиланган вазифаларни турмушга кенг татбиқ этиш зарур бўлади. Юқорида таъкидлаганимиздек, гап акцияларни шунчаки тарқатиш устида эмас, балки бозор кучларига таяниб акционерлик корхоналарининг рентабелли ишлаши хусусида ҳам бормоқда. Акционерлик корхоналарининг кўпчилиги ҳозирги кунда зарарга ишлаяпти, улар жамият учун оғир юк бўлиб қолган. Уларни ҳозирги кунда молиявий тангликдан чиқариш керак ва буни бозор механизмидан бошқача усул билан таъминлаб бўлмайди. Бу механизм эса хусусий мулкка таянади.

Акционерлик жамиятлари инвесторлар учун жозибали бўлмаса, уларга четдан капитал кириб келмайди. Улар инвесторлар учун пул қўйишнинг қулай соҳасига айлангандагина қизиқарли бўлади. Бу эса дивидендларнинг миқдори ва уларнинг мунтазам равишда тўланишига боғлиқ. Дивидендлар ҳозирча сезиларли даромад манбаига айланганича йўқ. Инвестор бўлган акция эгаларининг сони ортиб боришига қарамай, дивидендларнинг аҳоли ялпи даромадидаги ҳиссаси ғоят оз, чунки рентабеллик паст ёки зарарга ишлаш ҳолати мавжуд. Акционерлик жамиятлари корпоратив тузилма бўлгани туфайли уларда манфаатларнинг ички зиддиятлари ҳам бор. Табиийки, акционерлар-инвесторлар, бошқарувчилар-директорлар ва корпоратив бошқарув соҳаси назорат кенгашининг манфаатлари бир хил эмас. Шу сабабли уларнинг уйғунлашувини таъминлаш муҳим вазифа эканлигини эсдан чиқармаслик лозим. Манфаатлар уйғунлашган жойдагина корпорацияларда барқарор ривожланиш бўлади, шу боис ички низоларнинг олдини олиш муҳим иш ҳисобланади.

4. Талаб ва таклиф

Президент Фармонида давлат акцияларини сотиш асосий вазифа этиб белгиланиши хусусий секторни мустаҳкамлашнинг муҳим жиҳатидир. Фармоннинг биринчи бандида, жумладан, шундай дейилади: «Хусусий талбиркорликни кенг қўламда ривожлантириш, хусусий мулкчиликка асосланган, шу жумладан, давлат мулкини хусусийлаштириш натижасида корхоналарни ташкил қилиш ва шу асосда иқтисодиёт таркибида хусусий секторнинг улушини сезиларли даражада ошириш мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва бозор ўзгартиришларининг ғоят муҳим устувор йўналишлари деб ҳисоблансин». Шундан келиб чиққан ҳолда хусусий сектор ривожининг бошқа муоммоларига ҳам эътибор қаратиш ўринли бўлади. Эндиликда бу сектор акционерлик корхоналари ҳисобидан ҳам ўсади. Фармонга биноан, устав капитали кичик (50 минг долларгача кам) жамиятлар хусусий корхоналарга айлантирилади.

Бу секторнинг афзалликлари ўз-ўзидан юзага чиқади, деб ўйлаш хомхаёллиқдан ўзга нарса эмас. Бунинг учун етарли шароит керак, албатта. Хусусий сектор шунинг учун ҳам хусусийки, у давлат тасарруфидан ташқаридир. Уни давлат эмас, балки бозор қонун-қоидалари бошқариб туради. У эркин бозор билан тирик, шу боис уни иқтисодий эркинликсиз тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Бу ўринда нима қилиш зарурлигини талаб, таклиф, манфаат, рақобат каби бозор кучлари белгилаб беради. Нимани, қанча ишлаб чиқариш, кимга ва неча пулдан сотишни хусусий корхоналар бозорга қараб ўзлари мустақил ҳал этишлари керак. Албатта, бу фақат эркин бозор шароитида амалга оширилади. Бозорнинг эса сунъий равишда чегараланишига йўл қўйиб бўлмайди.

Хусусий корхоналарнинг амалдаги мустақиллигини таъминлаш учун давлат идораларининг маъмурий тазйиқидан холи этиш керак. Хусусий секторни ҳимоялаш учун корхоналар билан давлат идоралари ўртасидаги муносабатларни қонун йўли билан белгилаб қўйишнинг вақти келди. Акс ҳолда хусусий секторнинг ривожланишига турли тўсиқлар пайдо бўлиши мумкин. Афтидан, янги қонунларда давлат идоралари қайси ҳолларда ва қай даражада корхона ишига аралашишга ҳақли эканлиги аниқ кўрсатилиши керак бўлади.

5. Соҳа ёрдамга муҳтож

Хусусий сектор бизда, юқорида айтилганидек, ҳали ўз қаддини тиклаб олганича йўқ. Давлат секторидан фарқли ўлароқ, эски тузумдан мерос ҳам олмаган. У ўз кучига таянади. Шу сабабли фуқаролик жамияти унга ёрдам бериши керак. Бу ёрдам, энг аввало, уни ўз ҳолига қўйишдан, тазйиқлардан холи этишдан ҳамда унга молиявий кўмак беришдан иборат бўлиши зарур. Хусусий сектор ўзини ўзи молиялаштириш қоидасига амал қилади, яъни ўз сарфини ўзи қоплайди. Инвестиция борасида у ўз молия ресурсларига ва банк кредитига суянади. Унинг ўз ресурслари миқдори солиқ юкига боғлиқ бўлади, яъни солиқ қанчалик оғир бўлса, унинг ўз ресурслари шунчалик қисқаради, бу юк енгил бўлса, акси юз беради. Солиқлар давлатнинг хусусий секторга таъсир этишининг асосий воситаси бўлгани туфайли уларни такомиллаштириш зарурати пайдо бўлади. Бу эса солиқ юкини енгиллаштириш орқали уни рағбатлантириш вазифасини кучайтиришга хизмат қилади.

Солиқ имтиёзларини ҳам қайта кўриш фойдадан холи эмас. Ўзбекистонда қонунчилик билан белгиланган имтиёзлар кўп, афсуски, уларнинг талайгина қисми амалда ишламаётир. Хусусан, солиқлар туфайли берилган ижтимоий аҳамиятга молик имтиёзлар иқтисодий фаолликка ундамайди, аксинча, солиқдан қочиш учун турли йўллар изланади. Солиқлар давлат кўрсатадиган ижтимоий хизматлар (неъматлар)нинг дунёга келишини таъминлайди. Бу неъматларни ҳамма истеъмол этади, декин солиқларни ҳамма тўламайди, чунки имтиёзлар бор. Муҳтожларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш солиқ имтиёзи орқали эмас, балки бюджетдан трансфетлар ажратиш шаклида бўлиши зарур. Бу билан солиқларнинг даромад топишдаги рағбатлантирувчи кучига-куч қўшса бўлади. Хусусий сектор бюджетдан молиялаштирилмайди, у қўшимча маблағларни кредитга олиб кун кўради. Аммо кредитни ҳозирча таъсирчан иқтисодий воситага айланди, деб бўлмайди. Шу сабабли хусусий инвестициялар таркибида, айниқса, капитал инвестицияларда кредитнинг ҳиссаси кичик, у кўп ҳолларда 8-10 фоиздан ошмайди, вақоланки, ривожланган давлатларда кредит 40 фоизга яқин инвестиция сарфларини қоплайди. Банк тизимида рақобат ривож топмаганлиги оқибатида бизнесчиларга таклиф этиладиган хизматлар кўп эмас, банк кредити уларнинг молия ресурсларида салмоқли ўрин тутмайди.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, кредит ресурсларининг асосий қисми давлат тижорат банкларига қарашли ёки унинг ҳиссаси бор муассасаларга тўғри келади. Шу сабабли кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилган кредитнинг 69 фоизи давлат тижорат банкларига, унинг фақат 8 фоизи эса хусусий банклар ҳиссасига тўғри келади. Кредитга мурожаат қилган корхоналарнинг 10 тасидан 9 таси кредит фоизларини баланд, деб ҳисоблайди. Давлат банк секторининг ҳукмрон бўлиши банклараро рақобатни чеклаб, кредитни арзонлаштиришга халақит беради. Шунинг учун банкларни давлат тасарруфидан чиқариш хусусий секторни мустаҳкамлаш шартига айланган.

Ҳозирги иқтисодиётда давлатнинг, шубҳасиз, ўз ўрни бор, лекин буни тўғри тушуниш ва амалга ошириш талаб қилинади. Давлат бозор қонун-қоидаларининг амал қилишига қулай шароит ҳозирлаб бериши керак. У иқтисодиётни тартибга солишда қатнашади ва бунга маъмуриятчилик орқали эмас, балки иқтисодий воситаларни қўллаш билан эришади.

6. Иқтисодиётнинг ижтимоийлиги нима?

Хусусий секторга жамият кўмак бериши табиий бир ҳол, чунки бу бозор қонунларига зид эмас. Аммо бунга жавобан хусусий сектор иқтисодиётнинг ижтимоийлигини, яъни унинг фаровонликка қаратилишини таъминлаши зарур бўлади. Биз ижтимоий бозор хўжалигини яратар эканмиз, бунда хусусий секторнинг ўрни салмоқли бўлиши талаб қилинади. Иқтисодиётнинг ижтимоийлигини давлатнинг ижтимоий ёрдам кўрсатиши билан изоҳлаш, уни давлатнинг мавжудлиги билан тушунтириш муаммога бир ёқлама қарашдир. Иқтисодиётнинг ижтимоийлиги бозор механизмининг ўзида жойлашган, давлат буни яратмайди, фақат уни кучайтириши мумкин.

Ижтимоийлик объектив ҳодиса, уни ўзгартириб бўлмайди. Чунки бу иқтисодиётнинг табиий бир жараён сифатидаги маҳсулидир. Маълумки, ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг пировард мақсади эҳтиёжни қондиришдир. Бунга эса яратилган маҳсулот ва хизматларни истеъмол қилиш орқали эришилади.

Хусусий секторда бозор механизми кишилар ҳаётини фаровон этувчи товарларни ишлаб чиқариш билан белгиланади. Зеро, эҳтиёжлар талабда акс этади. Бозор механизми эса бунга жавобан сифатли товарларни кўплаб ва кам харажат билан ишлаб чиқаришни амалга оширади. Кишилар қадр-қиммати юқори товарларга эҳтиёж туғдиради, яъни нафлилиги юқори ва нархи шунга мос товарлар бозорда танлаб олинади. Бозор механизми талабга биноан ресурсларни тақсимлайди, уларни керакли соҳаларга йўналтиради. Ресурслар кишиларга нафлилиги паст товарлар ишлаб чиқаришдан олиниб, нафлилиги юқори товарлар ишлаб чиқаришга юборилади. Нимани, қанча ва ким учун ишлаб чиқариш керак, деган саволга аниқ жавобни бозор беради. Хусусий сектор бозор талабига жавобан керакли товарларни зарур миқдорда ва турларда таклиф этади. Истеъмолга керакли товарни хоҳлаган вақтда, хоҳлаган ердан танлов асосида сотиб олиш имкони – бозор афзаллигидир. Хусусий секторда мавжуд товарлар модернизацияланади (сифати оширилади), янги товарлар яратилиб, уларнинг оммавий тусда ишлаб чиқарилиши ташкил этилади. Хусусий сектор истеъмолчига устуворлик беради. Бу ерда харидор-истеъмолчи бирламчи унсурга, яъни унга хизмат қилиб талабини қондириши фойда олишнинг асосий шартига айланади.

Бозор механизмидаги рақобат яхши яшаш учун яхши ишлашни талаб қилади. Оёқ-қўли бут бўлиб, яхши ишламаган киши, у ким бўлишидан қатъи назар, фаровонликка эриша олмайди. Шу жиҳатдан хусусий сектор қаттиққўллик қилади, ҳеч кимни аямайди, аммо ишлайман деганларни самарали меҳнат қилишга, яъни фаол бўлишга ундайди. Бу эса иқтисодиётнинг ўсишига, ҳаётий неъматларнинг мўл-кўл бўлишига, бинобарин, ҳаракат қилганларни яхши яшашга олиб келади. Хусусий сектордаги шиддатли рақобат жон сақлаб қолиш учун тадбиркорларни тинмай янгилик қидиришга чақиради. Бу товарларни оз миқдорда ишлаб чиқариб, қимматига сотгандан кўра, сифатли товарларни кўп яратиб, арзон сотишни афзал кўради. Фақат шу йўл билан рақобатга чидаб, бозордаги мавқеини сақлаб қолиш мумкин, акс ҳолда бозордан суриб чиқарилиши ҳеч гап эмас. Рақобат ишчи ва хизматчиларни ҳам фаол бўлишга, ўз иш ўрнининг қадрига етиб, уни эъзозлашга, ўз вазифаларини сифатли бажариш ва меҳнат унумдорлигини оширишга ундайди. Бозор механизми иш қобилияти бор барча кишилар ўзини ўзи боқишни билдиради, бу ўзганинг қарамоғида бўлиб, кун кўришга, яъни боқимандаликка ўрин бермайди.

Хусусий секторда ишловчи кишиларнинг даромади ошган сари улар орасида мулкдорлар кўпаяди, чунки даромад мулкни сотиб олиш имконини беради. Ишчи ва хизматчилар тирикчиликдан ортиб қолган пулига акциялар олиб, мулк соҳибига айланадилар. Улар иш ҳақидан ташқари ўз мулкидан ҳам даромад кўрадилар, яъни янги даромад ҳисобидан ҳам фаровон яшайдилар. Бу қоидани жорий этишда Президент Фармони берадиган имтиёзлар жуда аҳамиятлидир. Фармонга кўра, хусусийлаштириш йўли билан ташкил этилган жамиятлар акциясига эга бўлганларга тегадиган дивиденд 5 йилга солиқдан озод қилинади. Бу эса дивидендларга янгидан акция олиб, ўз мулкини кўпайтириш имконини беради. Натижада акцияга акция қўшилиб, мулк миқдори ошади, ундан келган даромад ҳам кўпаяди. Бинобарин, мулкдан келган даромад иқтисодиётнинг ижтимоийлигини кучайтиради.

Алишер ВАҲОБОВ,
Тошкент молия институтининг ўқув ва услубий ишлар бўйича проректори, иқтисод фанлари доктори.

Муносабат

«Нафъинг агар халққа бешак дурур...»

Биз, қишлоқ хўжалик ходимларининг иш вақти йил давомида уч юз олтмиш беш кундан, бир кеча-кундуз мобайнида эса йигирма тўрт соатдан иборат, десам асло муболаға бўлмайди. Шунга қарамасдан, вақти-вақти билан қўлимизга муборак китобларни олиб турамиз. Яқинда бобомиз Алишер Навоий ҳазратларининг «Ҳайратул-аброр»ини варақларканман, ушбу мисрани ўқидим:

Нафъинг агар халққа бешак дурур,
Билки, бу нафъ ўзингга кўпроқ дурур...

Телевизорда муҳтарам Президентимизнинг 2002 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасини тинглаганимда, беихтиёр шу сатрлар ёдимга келди. Рост-да, бизга ҳамкор мамлакат – Испания аҳолисининг 5 фоизи дунёнинг тенг ярмини деҳқончилик ва чорвачиликнинг сара маҳсулотлари билан таъминлаётган экан, биз ҳам ана шу илғор давлат фермерларидан ибрат олиб, тармоқда туб бурилишга эришишимиз керак эмасми? Ахир биз минг йиллар олдин деҳқончилик билан донг таратган, «Авесто»да айтилганидек, ерга дон сочган, кўчат эккан, яйловларни яшнатган шавкатли боболаримиз давомчиларимиз-ку?!

Мен қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар тамомила суст боряпти, деган нуқтаи назардан йироқман. Бир неча йиллик қурғоқчилик катта қийинчиликлар келтириб чиқарганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бироқ Аллоҳ ҳам ҳаракат қилганга баракот беради. Ўтган йили, масалан, давлатга 1457 тонна пахта сотдик. 1012 тонна ғалла етиштирдик. Бу 2001 йилдагига нисбатан 352 тонна кўп буғдой, демакдир. Якунда жами 408,7 миллион сўм даромад олдик. Соф фойда 23 миллион сўмдан ошди. Шартномани бажарган пайчилар учун 22 тонна ўсимлик ёғи, 68 тонна кунжара, 46 тонна шелуха ажратилди.

Бир жиҳатдан қараганда, атрофимиздаги айрим қолоқ ширкат хўжаликларидан фарқ қилган ҳолда ишимизда ислоҳот куртаклари бўртгани рост. Айни чоғда бу ислоҳотларнинг тугал гулга кириб, мева тугиши учун ҳали кўп тер тўкишимиз зарур. Бир мисол, ўтган йили 1 гектар ерга кунгабоқар эккан эдик. Шунча майдондан 70 центнер ҳосил олдик. 445 минг сўм харажат сарфлаб, 955 минг сўм соф фойдага эга бўлдик. Рентабеллик даражаси 214 фоиздан ошди. Бу йил ҳам айнан шундай, яъни кўпроқ даромад берадиган экинларга эътиборни кучайтирмоқчимиз.

Юртбошимиз йиғилишда таъкидлаганларидек, дунё тажрибасини ўрганиш катта фойда беради. Масалан, мен ўтган йилнинг май ойида мамлакатимизнинг бир гуруҳ қишлоқ хўжалик ходимлари билан бирга Туркиянинг Адана ва Кўниё вилоятларида бўлгандим. Адана шаҳрида деярли бир миллион нафар аҳоли яшар экан. У ерда цивилизацияга хос барча белгилар бўлгани ҳолда вилоятнинг ҳақиқий пахтачилик маскани эканлиги шундоқ сезилиб турибди. Ҳар қадамда пахта бу элга катта наф, катта фойда келтираётганини сезиш қийин эмас. Биз бир ҳафтадан кўпроқ вақт мобайнида илғор тажрибалар билан танишдик. Самарами? Бугунги кунда туманимизда иккита қўшма корхонада пахтамиз тайёр маҳсулотга айлантирилаяпти. Энди қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳам қайта ишлаш пайидан бўлаяпмиз.

Тармоқдаги ислоҳотлар уч бўғин – ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари ривожига боғлиқ. Куни кеча биз ширкат хўжалигимизнинг йил якунларига бағишланган йиғилишини ўтказдик. Мен бу ўринда «йиғилиш» сўзини шартли равишда ишлатмоқдаман. Чунки унда фақат фикр алмашиш тажрибасини қўлладик. Муҳокамада қатнашган туман ҳокими «Ислоҳотларга нималар тўсқинлик қиляпти, нега юқорироқ ҳосил, мўлроқ дивиденд ололмадик? Шу ҳақда дангал сўзлар айтсак!» деб таклиф киритди. Биринчи бўлиб деярли қирқ йилдан буён деҳқончилик билан шуғулланиб келаётган Самандар ака Нуримов сўзга чиқиб, камчиликларни фақат ўзимиздан ахтариш кераклигини далиллар билан исботлаб берди. Йил давомида ҳар қайси пайчи қандай ишлагани таҳлил этилди. Йўл қўйилган хатолардан хулосалар чиқарилди. Илғорларга эса гилам, бошқа қимматбаҳо совғалар топширилди. Демак, тармоғимизга бозор ислоҳотлари кириб келмоқда. Навбатдаги вазифа эса бу жараённи мумкин қадар тезлатишдан иборатдир.

Нуриддин ФАХРУТДИНОВ,
Элликқалъа туманидаги Ғани Одилов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, «Шуҳрат» медали соҳиби.

«Ипак йўли»нинг янги биноси

«Ипак йўли» акциясонерлик инновация-тижорат банкининг Навоий филиали жамоаси янги бинога кўчиб ўтди.

Уни шаҳардаги Нусрат Ҳотамов бошлиқ «Элдач» хусусий фирмаси бунёдкорлари қуриб битказдилар. Бу ерда ходимлар ва мижозлар учун барча шарт-шароит яратилган.



1994 йилда ташкил этилган ушбу банк бугунги кунда 259 нафар жисмоний, 402 нафар юридик шахсга хизмат кўрсатмоқда. Деҳқон ва фермер хўжаликлари, хусусий фирмаларни ривожлантириш мақсадида ўтган йили 21 млн. сўмлик имтиёзли кредит берилди. Жорий йилда кўрсаткични янада ошириш мўлжалланаяпти.

СУРАТЛАРДА: янги бинонинг умумий кўриниши; банк хизматидан мижозлар мамнун.

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Даволаниш учун Германияга

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан тўрт нафар ногирон болакай даволаниш учун Германияга юборилди.

Гап шундаки, ўтган йили жамғарма, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Германиянинг «Писс виллаж Интернейшнл» халқаро ташкилоти билан узоқ муддатга ҳамкорлик шартномасини имзолашганди. Жаҳон ҳамжамиятида ўз нуфузига эга бўлган ушбу ташкилот ҳамкорлик доирасида ривожланаётган мамлакатлардаги 12 ёшгача бўлган бемор ва ногирон болаларни даволаш ва саломатлигини тиклаш билан шуғулланади.

Германияга юборилган болалар учун даволаниш билан бирга ўқишларини давом эттириш имконияти ҳам яратилади.

М.ТОЖИЕВА.

Долзарб мавзу

РАҚОБАТ ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИНИ КЎЗЛАЙДИ

Юртимизга контрабанда йўли билан кириб келаётган маҳсулотларни ушлаб қолиш, иқтисодий қўпорувчиликнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларни кенг халқ оммаси қўллаб-қувватлаяпти. Жойлардаги жамоатчилик назорати органлари эса миллатга қарши қилинаётган бу иқтисодий ҳуружларни фош этишда фаол иштирок этмоқда. Божхоначилар, чегарачилар, солиқчилар ташқаридан сифатсиз, сертификати бўлмаган молларнинг кириб келишига кескин ғов қўйишмоқда. Бу ишларнинг ҳаммаси ибратли. Лекин ички бозоримизнинг асосий истеъмолчиси – аҳолининг манфаатлари қандай ҳимоя қилиняпти? Ички истеъмол бозоридаги сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик борасида қандай ишлар амалга ошириляпти?

Маълумки, ички бозордаги истеъмолчи манфаатини ҳимоя қилишдек шарафли вазифа монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бўйича ҳудудий бошқармалар зиммасига юклатилган. Бошқарма асосан "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун талабларидан келиб чиқиб, аҳолининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялашга даъват этилган. Яқиндан бошлаб эса вилоят ва туманларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг минтақавий ташкилотлари ҳам ўз фаолиятларини бошлаб юборишди.

— Мазкур тузилманинг ташкил этилишини замоннинг ўзи талаб қилмоқда, — дейди Фарғона вилояти истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси бошқаруви раиси Асқарали Раҳмоналиев. — Бозор шароитида ишлаш соғлом рақобатни ҳам талаб қилади. Рақобат бор жойда эса, албатта, кураш бўлади. Ана шу рақобатда истеъмолчининг зарар кўриши, алданиб қолиши ҳеч гап эмас.

Шу боис бирлашмамизнинг асосий вазифаларидан бири маҳсулотлар, турли хил хизматларнинг сифати ва сертификат даражаси бўйича аҳолини ва манфаатдор ташкилотларни мунтазам хабардор қилиб туришдир. Мен бу гапларга бежиз урғу бераётганим йўқ. Чунки сўнгги йилларда вилоятимизда аҳолига хизмат кўрсатиш борасида қатор қонун бузилишлари, истеъмолчи манфаатларига зид ишлар қилинганлиги кўзга ташланиб қолди. Халқимиз — андишали халқ. Унча-мунча камчиликни юзга солавермайди. Лекин пичоқ суякка қадалгач, ҳар ким ҳам жим тура олмас экан. Масалан, "Фарғонателеком" акциядорлик жамиятининг Фарғона шаҳридаги филиали фуқаро Нина Кисинофонтова билан сифатли, узлуксиз телефон алоқасини таъминлаш юзасидан шартнома тузади. Лекин бир неча ой истеъмолчининг манфаатлари топталиб, телефон алоқасидаги носозликларга барҳам берилмайди. Бу ишга монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси ходимлари аралашгандан сўнггина истеъмолчи манфаати тўла тикланди, шартномага қатъий амал қилина бошланди.

Яна бир шунга ўхшаш воқеа. Ҳудудий бирлашмага Фарғона шаҳар «Қувасой» кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Э.Салулинадан шикоят-ариза келиб тушади. Аризада иссиқ сув таъминоти билан савдо, коммунал хизмат ва алоқа воситаларининг ўз вақтида ишламаслиги, шартномаларнинг бажарилишига мутлақо амал қилинмаётганлиги, шунингдек, сифатсиз, сертификати йўқ товарлар тўғрисидадир. Масалан, Фарғона шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Галина Слюсарева янги йил арафасида "Сони" дўконидан "Ройсон" русумли телевизорни сотиб олади. Бу телевизор сифатсиз, тасвири хира эди. Ўз-ўзидан истеъмолчи уни дўконга қайтариб олиб келади. Лекин кечагина кафолат қоғози берган сотувчи ўз молини қайтариб олишдан бош тортади. Истеъмолчи фурсатни бой бермай, ҳудудий бошқармага мурожаат қилди. Бошқарма ходимлари аҳволни ўрганиб чиқиб, истеъмолчи тўла ҳақ эканлигини исботлаб беришди. Натижада унинг пули тўла қайтариб берилди.

Наталья Широкова эса Фарғона шаҳридаги "Агава"-Рекорд" таъмирлаш устахонасида шахсий телевизорининг кинескопини алмаштиради. Таъмир пули тўланиб, кафолат қоғози олинади. Лекин орадан бир кун ўтмаёқ, телевизор яна кўрсатмай қўяди. Истеъмолчи бошқармага ариза билан мурожаат қилади. Тез орада телевизор сифатли таъмирланди, шу билан бирга, истеъмолчидан узр ҳам сўралди.

Бозорлар ва дўконларда сифатсиз маҳсулотларнинг пайдо бўлишига чек қўйишда кенг жамоатчиликнинг ҳам ўрни ва роли катта, — дейди бошқарма бошлиғи Саидвали Юсупов. — Ҳозирги кунда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги 942 та маҳалла фуқаролар йиғинида, 70 та уй-жой мулкдорлари ширкати, 31 та ҳаракатдаги ярмарка ва бозорларда ташкил этилган таянч гуруҳлари бизга яқиндан кўмак бермоқдалар.

Шундай жамоатчилик таянч гуруҳининг саъй-ҳаракати туфайли Марғилон шаҳрида яшовчи истеъмолчиларнинг катта миқдордаги маблағи ўзларига қайтариб берилди. Гап шундаки, "Марғилонгаз" идораси 52 та маҳаллага қиш мавсумида 69,6 минг куб метр газ етказиб беришни таъминламаган, бироқ олгир ҳисобчилар аҳолидан тегишли ҳақни ундириб олишганди. Ҳудудий бошқарма қайтадан ҳисоб-китоб ўтказиб, аҳолига 118 миллион сўм ортиқча тўланган пулни қайтариб беришга эришди.

Ҳа, секин-аста бўлса ҳам, одамлар ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб олишяпти. Илгари бу ҳақда гап юритилса, мутасадди ташкилотлар «Қўрққан олдин мушт кўтарар» қабилида иш тутиб, шикоятчиларни андишасиз, бетга чопар, «ёзувчи»га чиқариб қўйишар эди. Энди эса уларнинг манфаатини ҳимоя қиладиган қонун бор, уларнинг юзи-кўзи бўлган нодавлат ташкилотлари бор.

Набижон СОБИР,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ватан билан фахрланмаслик – беватанлик

(Давоми. Боши 1-бетда).

оладиган, усиз яшашинг мумкинлигини тасаввур қила олмайдиган ва оғзингни тўлдириб «Менинг Ватаним» дея фахрлана оладиган замин – Ватандир», деган сўзларнинг тагига муаллим қизил сиёҳда чизиб ҳам қўйибди.

– Ўғлингиз жуда жиддий фикрларкан! – дедим ҳайратланиб.

– Э, буни ўғлим эмас, ўзим ёзганман, – деди Люба опа ва дув қизариб кетди. – Қарасам, ўғлим сира иншосини ёза олмаяпти, китоблардан нималарнидир кўчиришнинг пайида бўляпти. «Сенга иншо қандай ёзилишини кўрсатиб қўяйми?», дедиму шартта ёзиб ташладим. Ўзим қандай фикрласам, шуни ёздим-да...

Очиғи, шу пайтда боласига ўргатиш ўрнига унга иншо ёзиб бериб, нотўғри иш қилганлиги ҳақида гапирмоқчи бўлдиму... термулиб турган кўзларини кўриб, дашном беришга тилим бормади. Чунки ундан анча ёш бўлсам-да, Люба опа мени ёзувчи деб биларди ва ҳозир ҳукмимни кутиб турардики, бир оғиз сўз билан унинг кўнглини чил-чил қилиб ташлашим мумкин эди. Шунинг учун ҳам тил учида турган гапларнимни айта олмадим.

– Фикрларингиз менга жудаям ёқди! – дедим. – Фақат... Билмадим, энди ўқитувчи кимга баҳо қўяди: сизгами ёки ўғлингизгами?

– Шунчаки ўзбек тилидаги билмимни синаб кўрмоқчи бўлувдим-да, – хижолатомуз жилмайди Люба опа. Иншога қўйилган «4» баҳо унинг учун қанчалар катта аҳамият касб этгани юзидан, осмондек тиниқ мовий кўзларидан яққол кўриниб турарди. – Биласизми, Ватан деган тушунча мен учун бошқаларга нисбатан сал бошқачароқ бўлса керак. Асли украин қизи бўлсам-да, ҳаётимнинг мазмуни – муҳаббатимни Ўзбекистондан топдим, шу заминда фарзандларим дунёга келди, бир кун келиб охирги манзилимни ҳам ўзбек тупроғидан топаман. Шундай экан, менинг бошқа Ватаним бўлиши мумкинми? Куйинчак, меҳрибон, ориятли ўзбек қўшниларим яхши-ёмон кунларимда доим ҳамдард, мадодкор, уларсиз ўтадиган ҳаётимни тасаввур ҳам қилолмайман, Шундай экан, мен бошқа ерни Ватаним деб билишим мумкинми? Ўзим Ватан деб билмаган заминни фарзандларимга «Бу сенинг Ватанинг» деб айта оламанми? Уларни шу Ватанга фидойи, садоқатли қилиб тарбиялай оламанми? Ёшлигидан Ватан туйғусидан бехабар, ўз Ватанидан фахрланиш нималигини билмай ўсган болалар бир кун келиб унинг учун камарбаста бўлиб, керак бўлса жон фидо қила оладиларми? Йўқ, албатта...

Хўш, Ватан ўзи нима, унинг сарҳадлари қайдан бошланади? Бу саволга дабдурустдан жавоб беролмайсиз. Бу хусусда нимаики деманг, бари юқорида эслаб ўтган ҳамкасбим сингари одамлар учун бироз баланд-парвоз гаплардек туюлаверади. Олти яшар боланинг қўлини фотиҳага очиб, «Юртимиз тинч бўлсин!» деб айтиши ҳам уларга эриш туюлаверади. Ваҳоланки, боланинг шу бир оғиз гапининг ўзи Ватан ҳақида ёзилган ўнлаб мақолалардан кўра қимматлироқдир.

Ватан сарҳадлари қайдан бошланади? Ўзга элларда Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб, ўзбекнинг алп ўғиллари борлигини намойиш этаётган полвонлар, манаман деган хориж дорилфунунлари олимларини ўзининг иқтидори билан лол қолдираётган зукко йигит-қизлар ҳам шу Ватаннинг бир зарраларидир. Шундай экан, Ватаннинг сарҳадлари белгиланса-да, бироқ, соғинчлари дунё қадар экан.

Ватан билан фахрланмаслик мумкинми? Ёки, ўз Ватани билан фахрланишини ёзмаслик мумкинми? Йўқ, токи инсон тирик экан, дилида Ватан туйғуси билан яшаши, Ватан ҳақида ўйлаши лозим. Ва, ҳар бир инсон шу ўзи севган, ўзи фахрланган Ватаннинг равнақи, фаровонлиги учун қўлидан келганича, баҳоли қудрат ҳисса қўшмоғи лозимдир. Зотан, азим Коинот ҳам митти заррачалардан бино бўлган.

Эҳтимол, бундай гаплар кимгадир эриш туюлар ёки баландпарвоз кўринар? Бунинг аҳамияти йўқ! Энг муҳими, ҳеч бир юракда Ватанга бўлган муҳаббатнинг чўғи ўчмасин!

Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА.

Адирда баҳор нафаси

Қайси куни "Олтинбек" адир этагида бойчечак кўрдим. Севинчдан қалбим ҳаприқиб кетди. Бир томонда қиш манзараси, бу ерда эса баҳор элчиси бўй кўрсатиб турибди.

Ҳадемай баҳор. Бутун вужудим нафис туйғуларга чўлғанди. Бор овозим билан қўшиқ айтгим келарди, шу тобда. Қанийди, ўзимиз ясаган дўмбирани чертиб, бир роҳатлансам. Ахир, ўлкамизга Баҳор кириб келаяпти-я! У гўё шошиб, елиб-югуриб келаётгандай, она-заминга, инсонга таъзим қилаётгандай.

Турмуш ўртоғим Айнаш, укам Қувват билан биргаликда 469 бош қўй боқаяпмиз. Бултурги баҳор инъом этган ютуқларни айтсам, "эҳ-ҳе зўр-ку" дейишингиз аниқ. Ҳар юз бош совлиқдан 114 бошдан қўзи олганимиз, уларнинг 73 фоизини ўстиришга қолдирганимиз, қишловни беталофат ўтказганимиз эвазига ойлик маошдан ташқари ҳар биримизга 340 минг сўмдан дивиденд, 17 бошдан қўзи мукофотга берилди. Бепул иссиқ кийимбош билан таъминландик. Шахсий ҳисобимиздаги отлар 10 бошга, қўйлар 150 бошга етди. Енгил машина сотиб олдик. Ойжамол қизимизни Янгиғозғон қўрғонилик Аскар исмли йигитга тўй қилиб узатдик.

Навруз яқин

Энди айтингчи, ҳар йили бахт-омад, қувончу шодликлар олиб келадиган кўкламни интиқлик билан кутмай бўладими?! Янги йил баҳоридан орзу умидларимиз ҳам бир олам.

Ишбилармон чорвадор Нурмуҳаммад Норбоев етакчилик қилаётган фермамиздаги 41 отарда 19 минг бош қўй-қўзи парвариш қилинмоқда. Муҳими, Қизилқумга қўй йили ташриф буюраяпти. Ўтовлардан дўмбира, танбур наволари эшитилаётир.

Дарвоқе, овулимизда мусиқа мактабининг филиали бор. Кўпчилик дўмбира ясашни билади. Қўшиқ куйламайдиганларни тополмайсиз. Ўзимиздан 20 дан ортиқ мусиқачилар етишиб чиққанини айтсам, балки, ишонмассиз. Туман марказидан 170 километр узоқликда жойлашган овулда маданият гуркираб кетибди-ку, дегувчилар ҳам топилар. Аслида, мустақиллик овулларни яшнатиб юборди-да. Йилига қўни-қўшнилардан 4-5 нафари янги уй қуриб олаяпти, ўнлаб шахсий машиналар ҳам шу қўй тўёқлари ортидан келмоқда. Бугина эмас Роза Кузенбоева деган тадбиркор синглимиз оғган кичик корхонада яратилаётган дўмбира, сандиқ, шифонер, уй-хўжалик анжомларининг харидори кўп. Бултур 60 тонна юнгдан қанчадан-қанча кигиз ҳам босишибди, азаматлар.

Хуллас, айтаверсам ўзгаришларнинг адоғи йўқ. Наврўз байрамига тайёргарликдан кўнгил тўқ. Катта-юкичик ана шу қутлуғ кунни қир бағридаги кўм-кўк майдонда кутиб оламиз. Келсангиз миллий удумларимизнинг барига гувоҳ бўласиз. Яйловда пиширилган сумалакнинг таъми янада бошқача.

Қувонтой МИРЗАЕВ,
Конимех туманидаги "Сарибел" ширкат хўжалиги бош пудратчи чўпони.

Янгиликлар, воқеалар, далиллар



Чегара хавфсизлиги учун

Ироқ мухолифатининг ҳарбийлаштирилган бўлинмалари Эрон томондан Ироқнинг шимолига бостириб кирди.

Эрон расмийларининг таъкидлашича, ушбу ҳаракатлар, агар Ироқда кенг кўламли ҳарбий ҳаракатлар бошлангудек бўлса, икки давлат ўртасидаги чегаранинг хавфсизлигини таъминлаш учун амалга оширилди.

"Лента ру"нинг маълумотига кўра, оғир ҳарбий техникага эга 5000 нафардан иборат бу гуруҳга шиалар етакчиси Оятулла Муҳаммад Бакир Ал-Ҳаким бошчилик қилмоқда.

КХДР шартномадан чиқмоқчи

Агар КХДРга нисбатан санкция кўрилиб, денгиздан қуршов бошланадиган бўлса, Пхеньян 1953 йилда қабул қилинган Корея ярим оролида тинчлик ўрнатиш тўғрисидаги шартномадан чиқажагини билдирди. "АҚШ бизнинг бошқача йўл тутишимизга қўймаяпти", деди Корея халқ армиясининг оролни иккига бўлиб турувчи Пханмунчжом демилитар зонасидаги вакили.

Вакил, шунингдек, АҚШ ва Корея Республикаси ҳарбий кучлари ҳар йили биргаликда ўтказадиган "Фоул Игл" ҳарбий машқларини ҳам Шимолни қўрқитиб қўйишга ҳаракат ҳамда ярим оролда тинчлик шартномасини бузиш, деб баҳолади. Унинг таъкидлашича, ўтган йили Тинч океанида КХДР кемасининг ушланиши Вашингтон томонидан Пхеньянга нисбатан эълон қилинмаган урушнинг исботи бўла олади.

Ҳарбий вакил ўз сўзини шундай тугатди: "АҚШ шартномага амал қилмасликни мунтазам давом эттираверса, КХДР, албатта, ундан чиқишга мажбур бўлади. Бугун ҳамма нарса Вашингтоннинг кейинги ҳаракатларига боғлиқ."

"ИТАР - ТАСС" мухбирининг хабарига қараганда, вакил Пхеньян шартноманинг айнан қайси моддасидан воз кечишини маълум қилмаган.

"Нью Йорк таймс" газетасининг ёзишича, Пентагон ва АҚШ давлат департаменти Пхеньянни ўз ядровий дастуридан воз кечтириш учун турли санкция ва ҳаракатлар режасини ишлаб чиқмоқда. Лекин уларнинг қачон жорий қилиниши номаълум.

КХДР январда Ядровий қуролларни тарқатмаслик тўғрисидаги шартномадан чиқишини эълон қилгандан сўнг АҚШ шаънига мунтазам эътирозлар билдира бошлади. МАГАТЭ Шимолий Кореянинг ядровий дастури масаласини БМТнинг ХКга топшириш ҳақида қарор қабул қилгандан сўнг бу таҳдидлар яна ҳам кучайди.

«Ал-қоида»га алоқадормикан?

Саудия Арабистонида 90 нафар фуқаро "Ал-қоида" экстремистик гуруҳига алоқадорликда айбланмоқда ва яқинда уларнинг устидан суд жараёни бошланади. Бу ҳақда мамлакат ички ишлар вазири, шаҳзода Наиф ибн Абдуллоҳ Азизнинг гапларига таяниб, Саудия матбуоти хабар тарқатган.

Вазирнинг айтишича, яна 250 киши сўроқ қилинмоқда, 150 фуқаро эса сўраб қўйиб юборилган.

АҚШ Ироққа ҳужум қиладиган бўлса, Саудия Арабистонида террорчилик ҳаракатлари бўлиши мумкин, деган гапларни вазир, бу шунчаки тахминлар, дея таърифлади. «Бордию шу гаплар амалга ошса ҳам, биз воқеаларнинг ҳар қандай ривожига тайёрмиз," деди шаҳзода Наиф.

Касаллик сабаби аниқланди

Хитой шифокорлари шу йил қиш фаслида 5000 нафар кишининг ҳаётига зомин бўлиб, мамлакатнинг жанубида саросима уйғотган ўпка касаллиги сабабини топишди.



Аниқланишича, касаллик тарқатувчи хламидий бактериялари ҳаво ва беморларнинг ўзаро мулоқоти орқали тарқалган.

"ИТАР ТАСС" агентлигининг хабарига кўра, бу касалликка эрта босқичда ташхис қўйиш қийин. Шунинг учун ҳам Хитойнинг Гуандун провинциясида тарқалган ушбу оғир хасталикни дастлаб куйдирги деб гумон қилишган.

Ғазога ҳарбийлар киритилди

Исроил ҳарбийлари қирққа яқин танк ва вертолётлар ёрдамида Ғазо шаҳрига киришди. Ҳарбийларнинг яна бир гуруҳи бронетранспортёрлар ёрдамида секторнинг асосий транспорт йўлини ёпиб қўйишди. Бундан бирмунча олдин Исроил мудофаа вазири Шауль Мофаз Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида ва Ғазо секторидаги Фаластин ерларида "ёпиқ ҳарбий зона" режими бекор қилинишини маълум қилган эди. Бу операция эса ўтган шанба куни Ғазо секторида Исроил танки портлатиб юборилганига жавобан ўтказилмоқда, деб хабар беради "News ру".

ЭНГ ЯНГИ GSM ТАРМОҒИ ЭНДИ ЯНГИЙЎЛДА

НАРХЛАРНИ НАВБАТДАГИ АРЗОНЛАШТИРИШ!

20% ДАН КЎПРОҚ

ПРЕСТИЖ РЕЖАСИ $125.00 99.00

ЧЕКЛАНМАГАН ЭФИР ВАҚТИ

NEW!

«Уздунробита» уяли алоқа телефонларидан (GSM - GSM) = Бепул!!!

GSM ТАРМОҒИДА ЯНГИ ТАРИФЛАР

(Тарифлар 20% қўшимча қиймат солиғи билан АҚШ долларида кўрсатилган),

Хизмат кўрсатиш режалари	Абонент тўлови ($)	Кириш алоқаси баҳоси ($)	Чиқиш алоқаси баҳоси ($)	Кириш алоқаси баҳоси ($) «Уздунробита» уяли алоқа телефонларидан (GSM - GSM)
Эксклюзив	2.0	0.08	0.10	Бепул
Престиж	99.00 125.00	Бепул		

Илова:
«Уздунробита» ҚК тармоғи бўйича GSM русумида ягона рўйхатга олиш зонаси амал қилади, яъни танланган хизмат кўрсатиш режаси тарифлари GSM тармоғи доирасида кучга эга.

SMS (ҚИСҚА МАЪЛУМОТ ХИЗМАТИ)
VMS (ОВОЗЛИ МАЪЛУМОТ ХИЗМАТИ)

ЎзАСИ АА №0000104

UZDUNROBITA first cellular

Кечаю - кундуз маълумотлар хизмати: 130-09-09, 131-09-09, 103-09-09 "Уздунробита" ҚК телефонларидан - 611.

Тошкентдаги сервис маркази манзили: Усмон Юсупов кўчаси, 16-уй ("Лабзак").

www.uzdunrobita.uz

Руҳият наққоши

Дунё маданиятига алоҳида ҳисса қўшган буюк шахслар ҳамиша эъзозда бўлиб келганлар. Уларнинг орасида аждодларимизнинг ҳам борлиги қалбларимизни ғурур ва ифтихор туйғуларига тўлдириб, муносиб ворис бўлишга ундайди. Жаҳон миниатюра санъатининг устози, Уйғониш даврининг буюк вакили, мусаввир Камолиддин Беҳзод ана шундай улуғ зотлардандир. Беш асрдан ошибдики, у яратган санъат дурдоналари умумбашарий маданиятнинг ёркин саҳифаси сифатида инсониятни лол этиб келмоқда.

Унинг мўйқалами билан яратилган олам маънавий юксакликларга чорлайди. Бу хазинадаги барча борлиқни — гулгун чеҳралардан тортиб, шоҳона қасрлару, дала-даштлардаги гиёҳларгача чексиз муҳаббат билан севиб қолассиз. Улар сизни сеҳрлайди. Эзгуликка, бунёдкорликка, Ватанни эъзозлашга даъват этади.

Бугун мустақиллик туфайли устоз ижоди янада улуғланмоқда. Юртбошимиз ташаббуси ва ЮНЕСКО ҳомийлигида жаҳонда мусаввирнинг 545 йиллиги кенг нишонланиб (2000 й), навбатдаги йирик халқаро тадбир — 550 йиллик тўйига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Буюк Британия, Франция, Германия, АҚШ, Миср, Туркия, Ҳиндистон, Россия каби ўнлаб давлатлардаги музей ва кутубхоналарнинг тўрини эгаллаб турган асарлари ўрганилмоқда, ҳеч бўлмаганда, нусхаларини Ватанимизга келтириш чоралари кўрилмоқда. Олимлар, санъатшуносслар ва жамоат арбоблари Беҳзод асарлари ҳақида янги-янги маълумотларни қўлга киритмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Ўзбекистондан четга олиб кетилган ва халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича махсус комиссия Камолиддин Беҳзоднинг дунё бўйлаб сочилиб кетган меросини ўрганишда алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда. Махсус комиссия томонидан Британия музейи, Оксфорддаги машҳур Бодлеан кутубхонаси, Виктория ва Альберт музейи, Коҳира кутубхонаси, Туркиядаги Тўпкапи саройи, Санкт-Петербург-даги Салтиков-Шедрин кутубхонаси ва бошқа муассасаларда сақланаётган, мусаввирнинг бизга номаълум асарлари ҳамда у асос солган миниатюра мактаби вакиллари томонидан ишланган кўплаб дурдоналар аниқланди. Уларнинг рангли нусхалари, айрим ҳолларда эса, истеъдодли ўзбек миниатюрачилар томонидан кўчирилган нусхаларининг юртимизга олиб келингани катта ижтимоий-маданий воқеа бўлди.

Чет элларда Ўзбекистондан ташриф буюрган олимлар илиқ кутиб олинди. Бу сафарлардан кўзда тутилган мақсад алоҳида таҳсин ва ҳурмат уйғотди. Чунки Британия музейи раҳбарларидан бири Роберт Нокс таъкидлаганидек, дунёга машҳур мазкур муассаса ўз фаолиятида катта қийинчиликка дуч келиб турган бир пайтда Ўзбекистонда миниатюра санъати музейи барпо этилиши ҳар жиҳатдан олқишга муносиб.

Мустақил Ўзбекистоннинг маънавият ва санъат жабҳасида тутган йўли бизда катта қизиқиш уйғотди дейди, музей ходимларидан бири. «Буюк мусаввирнинг ватандоши сифатида, унинг асарларини ўрганиш мақсадида келганингиз боис, сизларга нусхалар олишга рухсат берамиз», — деб иззат-икром кўрсатишди дейдилар у ерга борган олимларимиз.

Дарҳақиқат, аждодларимизнинг улкан меросидан ғурурланиш, уни халқимизга тўла етказиш миллий ўзлигимизни англашда катта аҳамиятга эга.

Ортиқали ҚОЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби.

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманида жойлашган 455-бошланғич таълим-тарбия маскани асли иқтисодиёт, информатика ва инглиз тили йўналишига ихтисослашган. Марказда ажойиб бир удум бор: февраль Алишер Навоий ва Бобур таваллуд топган ой сифатида нишонланади. Бир ой давомида ҳар икки шоир ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи театрлаштирилган томошалар, ғазал кечалари уюштирилади. Унда 4 ёшдан 11 ёшгача бўлган болажонлар қатнашадилар. Уларнинг бийрон-бийрон шеър, ғазал ўқишлари, Навоий асарларидан ижро этган саҳна кўринишларида Лола Юсупова, Барно Маҳсумова, Дилбар Қодирова, Феруза Саидалиева, Саноат Қосимовадек жонкуяр мураббийларнинг хизмати катта. Айниқса, навоийшунос ва бобуршунос олимлар, ҳар икки буюк шоир ҳамда асарлари қаҳрамонлари ролларини ижро этган санъаткорлар билан учрашувлар кичкинтойлар учун мароқлидир.

Ушбу суратда Миллий театр актёрлари — Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов билан республикада хизмат кўрсатган артист Пўлат Носиров болалар билан суҳбатлашиб, уларни Навоий ва Бобур ролларига тайёрлашмоқда.

У.АБДУРАШИДОВА олган сурат.

Боқий қадрият

Ҳар байт ҳикмат, эзгуликка даъват

Кўпчиликни ҳайрат бўстонига, завқ-шавқ оламига етаклаб кирувчи ҳар қандай ижод маҳсули энг аввало, кўнгил иши ва унда макон тутган оташин муҳаббат ёнки нозик ҳиссиёт маҳсулидир. Муҳаббатли қалб соҳибигина буюк ишларни қилишга, мўъжизалар яратишга қодир.

Асарларини ўқиб кўпгина улуғлар қатори Муҳаммад Ризо Огаҳийни ҳам Огаҳий қилган нарса унинг ИШҚ тўла қалби эканлигига имон келтирасан киши. Бу энг аввало, Яратганнинг ўзига — Оллоҳга бўлган ишқ, беғубор эътиқод, қолаверса, у яратган жамики нарсаларга чексиз ихлос. Улар ичида энг шарифи ҳамда азизи — инсонга бўлган меҳр.

Дейдиларки, Ҳақни севган ҳақиқатни севади. Ҳақни севган халқни севади. Тўғри, Оллоҳ таолога бўлган ишқни овоза этиш, эътиқодни (тоат-ибодатни) кўз-кўзлаш одобдан эмас. Бу ботиний нарса. Аммо юртга, халққа бўлган меҳр-оқибатни сўзда ҳам, амалда ҳам, зоҳиран адо этиш фазилат, бурч.

Меҳрдан меҳр туғилади дейдилар. Шу жиҳатдан олганда Огаҳий ижоди умрбоқийлигининг, асарларининг ўзи яшаган даврда ҳам, бугунги кунда ҳам севиб ўқилиши, куйланишининг боиси ўта ҳақчиллиги ва халқчиллигидадир. Эл-улус дилидаги дардларини, орзу-армонлари ва истакларини гоҳ маҳзун, гоҳ ўйноқи, мафтункор байтларга жо қилиб, юксак бадиий тарзда таранним эта олганлигидадир.

Шоир наздида «юз жаҳон мулкига тўймас аҳли давлат»дан қаноат касб этган фақир бадавлатроқ, кимхобу атлас кийган жоҳилдан эски тўн кийган пок қалбли азизроқ.

У ҳар бир кишини энг яхши инсоний фазилатлар эгаси сифатида кўришни умид этади ва шунга ундайди. Бу борада устози Навоий қарашларини давом эттириб, шундай сатрлар битган:

Фақр элига кулбаси мулки жаҳондин яхшиким,
Онда эски бўрё тахти Каёндин яхшиким,
Тинчлик бирла атола нўши жондин яхшиким,
Заҳрни ўз коми бирла ичса ондин яхшиким,
Оби ҳайвон шарбатин нокомлиғ жоми била.

Огаҳий таъкидлашича, адолат, инсоф, мурувват, саховат — тинчликнинг асоси, оғизбирлик, хотиржамлик, бинобарин, салтанат мустаҳкамлигининг заминидир. Энг аввало, ҳар бир инсон, айниқса, юрт эгаси — ҳукмдор ва бошқа амалдорлар, барча мансаб эгалари ана шу фазилатларнинг соҳиби бўлиши лозим. Отаси вафотидан сўнг ворис сифатида тахтга чиқиши муносабати билан Сайид Муҳаммад Раҳимхон Баҳодирхони соний — Фе рузга бағишлаб ёзилган қасида бунга яққол мисол. Ундаги йўналиш маддоҳлик эмас. Донишманд шоир хонга тахт ҳам, умр ҳам ўткинчи эканлигини уқтириб, юртни адл ва инсоф билан бошқариш лозимлигига эътиборни қаратади ҳамда ҳукмдорга даркор бўлган хислатлардан ва салтанатга завол келтирувчи иллатлардан хавфу хатарлардан огоҳ этади.

Бир ғазалида:

Юз жаҳон мулкига тўймас аҳли давлатнинг бири,
Вах, нечук фақр аҳли бўлсун мулк ила асбоблиг,

деб ёзган шоир, давлатманд ва фақир мавзусида сўз очар экан, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйишни мақсад қилмайди, давлатмандни адлу инсофга, фақирни сабру қаноатга ундаб, уларни ҳамжиҳатликка, бинобарин, юрт ободлиги, эл тинчлигига даъват этади.

«Таъвиз ул-ошиқин» девонидаги

Ҳазин кўнглимга саҳбои висолинг айлагил эҳсон,
Ки ошди ҳаддидин ичмак анго хунобаи ҳижрон.

деган матла билан бошланувчи ғазал ҳам юқоридаги қасида руҳига жуда ҳамоҳанг, панду насиҳат тарзида битилган.

Ғазални шоир Оллоҳга илтижо, муножот тарзида юқоридаги байт билан бошлайди. Унинг наздида бандалари даставвал, яратганнинг ўзига, шунингдек, бир-бирларига меҳр кўрсатиб яшашлари керак, оқибат кўрсатишлари лозим.

Шоир наздида инсон кўнгли Каъба билан баробар. Унга озор етказиш, байтуллоҳни йиқиш, бинобарин, бутун оламни вайрон этиш билан тенг:

Ситам айлаб шикаст аҳли вафо кўнглига еткурма — Ки, байтуллоҳ бўлса мунҳадим олам бўлур вайрон.

Шу ўринда бир нарсани эслатиш лозим. Ҳивада хон қароргоҳи — Кўҳна Аркда хоннинг арз сўрайдиган айвони бор. Шу айвон устунларидан бирининг мармар тошига Огаҳий ижодидан бир неча байт нақш этилган. Бу энг аввало, шоирга эҳтиром рамзи бўлса, қолаверса, ҳар гал раият арз ҳолини тинглар чоғида хоннинг ва турган гапки арзга келганларнинг ҳам бу ҳикматларга назари тушиб турган. Бу байтлар нега деворга эмас, эшикка эмас, айнан устуннинг мармар тошига ўйиб ёзилган, 'деган савол туғилади. Ўйлаб қарасангиз, бунинг ҳам рамзий маъноси бор экан: устун бутун айвонни тутиб тургани сингари, байтларда ифода этилган адолат, инсоф, диёнат, меҳр-мурувват сингари фазилатлар ҳам салтанат таянчи ва асосидир.

Шоир хайёмона бир оҳангда фикр юритиб айтадики, бу олам «ғайратгоҳ»дир. Сизу биз келиб кетгувчилармиз. Эй кимса, кўп ошиқма, босар-тусарингни билиб одим от. Ўзгаларни назар-писанд қил. Чунки, сендан олдин ҳам бу кўҳна оламга не-не зотлар келиб кетганки, уларнинг ҳоки қадаминг остидадир. Бир кун келиб биз ҳам шу тупроққа қўшиламиз:

Бу ғайратгоҳ сайрига адаб бирла қадам қўйким,
Неча озода жисми ҳар қадам остидадур пинҳон.

Ғазал яна ана шундай оҳанг билан файласуфона хулосаланади: бу дунёда молу мулк ҳам, иззат-эътибор ҳам ўткинчи. Фақат илму ҳикмат ва унинг рўёби йўлида эзгуликни кўзлаб қилинган яхши амалларгина ҳар бир инсон номини азиз ва мангуликка муяссар этади:

Чу эрмасдур жаҳоннинг эътибору иззати боқий,
Насиб эт хаста кўнглумга, илоҳи, неъмати ирфон.

Отабек ИСМОИЛОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва учинчи дунё мамлакатлари Фанлар академияларининг(TWAS) ёш олимлар учун биргаликда таъсис этган мукофотига танлов эълон қилади.

Мукофотлар математика ва физика, биология, кимё соҳасидаги фундаментал илмий ишлар бўйича нуфузли халқаро илмий журналларда чоп этилган мақолалар учун берилади.

ИШЛАРНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ ТАРТИБИ:

- танловда ёши 40 дан ошмаган, илмий даражага эга бўлган ёш олимлар қатнашиши мумкин;
- танловга охирги 5 йил давомида халқаро нуфузли журналларда чоп этилган мақолалар нусхаси ҳамда чет элда нашрдан чиққан монографиялар қабул қилинади (халқаро конференцияларнинг маърузалари ва тезислари сифатида чоп этилган мақолалар қабул қилинмайди);
- танловга муассаса раҳбари томонидан тасдиқланган сўровнома тақдим қиллиниши шарт;
- танловда алоҳида шахслар якка тартибда иштирок этиши мумкин. Ҳаммуаллифлар мавжуд бўлган ҳолларда, муаллифнинг шахсий иштироки ҳақидаги маълумотнома муаллифлар жамоаси раҳбари имзоси билан тақдим қилинади.

Ҳар бир мукофот миқдори — 500 АҚШ долларини ташкил қилади.
Ҳужжатларни тақдим қилиш муддати — 2003 йилнинг 20 мартигача.

Мукофотларни олиш тартиби, керакли ҳужжатларни расмийлаштириш масалалари ҳақида қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин : 700047, Тошкент ш., Я. Ғуломов к., 70-уй.
Телефон: (371) 133-73-31 ёки Фанлар академиясининг сайти: www. uzsci. net.

ШВЕЙЦАРИЯ ҲАМКОРЛИК БЮРОСИ

ўзбек халқ рақслари фестиваль-танловини эълон қилади.

Фестиваль шиори:
«Ўзбек халқ рақсларининг мафтункорлиги ва ўзига хослиги».

Танловга тегишли ҳудуднинг фольклор-этнографик рақс анъаналарини ўзида мужассам этган ижодий жамоалар таклиф этилади.
Либос ва мусиқа рақсга мос бўлиши шарт.

ТАНЛОВНИНГ ЎТКАЗИЛИШ ТАРТИБИ:

1-боскич — саралаш
Танловда қатнашиш истагини билдирган жамоалар 2003 йил 5 апрелгача 3-5 саҳна кўринишдан иборат видеолавҳаларни Тошкент шаҳри, Ивлева кўчаси, 15-уй манзили бўйича тақдим этишлари керак. Бу лавҳалар бўйича жамоалар махсус экспертлар ҳайъати томонидан танлаб олинади ва Тошкентдаги фестиваль-танловга иштирок этиш учун таклиф қилинади.

2-боскич — фестиваль
Уч кунлик фестиваль-танлов. Мукофотлаш. Фестиваль июнь ойининг биринчи ўн кунлигида ўтказилади.

Алоқа учун телефонлар: 120-54-54/53 — Лола Ғафурова, 56-12-00 — Лутфи Мадраимова.

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдолари (тендер)ни ташкил этиш бўйича Республика бошқармасининг
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

вилоятда 2003 йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича
ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

1. Балиқчи туманининг Навоий номли ширкат хўжалигида 70 қатновли қишлоқ тиббиёт маскани.
2. Бўз туманининг Бобур номли ширкат хўжалигида 70 қатновли қишлоқ тиббиёт маскани.
3. Олтинкўл туманининг «Машъал» ширкат хўжалигида 70 қатновли қишлоқ тиббиёт маскани.
4. Булоқбоши туманининг Навоий номли ширкат хўжалигида 70 қатновли қишлоқ тиббиёт маскани.

Қурилиш ишларини тугаллаш муддати — 2003 йил июль.

Буюртмачи: *Андижон вилояти ҳокимлигининг капитал қурилиш бўлими.*
Манзили: *Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 45-уй.* *Телефон: 25-25-61.*

Қурилиш ишларини молиялаштириш давлат марказлашган капитал маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқка эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Андижон вилояти филиалига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-«А» уй. Телефон: 24-72-79.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.
Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.
Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, 30 кундан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

ТАШКИЛОТЛАР ВА ФИРМАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ва ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИАА «ЎЗБЕКТЕНДЕРКОНСАЛТИНГ» агентлиги

ТЕАТРЛАР, ОЛИЙ МУСИҚА ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА КОЛЛЕЖЛАРИ УЧУН МУСИҚА АСБОБЛАРИ (ФОРТЕПИАНО ВА РОЯЛЬ), ТАРМОҚЛИ МУСИҚА ВА ТЕАТР ЖИҲОЗЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА

Тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2003 йил 20 март соат 17.00гача.

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун «Ўзбектендерконсалтинг» агентлигига мурожаат қилиш мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Буюк Ипак Йўли кўчаси, 75-уй,
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги биноси.
Телефонлар: 68-75-10, 68-25-51, факс: 68-75-96.

Ўзбекистон давлат консерваторияси жамоаси Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Давлат мукофоти совриндори, профессор
Сайфи ЖАЛИЛнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзсувэнерго» бирлашмаси жамоаси Сурхондарё вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари
Омон МАМАТМУМИНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши уруш ва меҳнат фахрийси
Гавҳар РАҲИМОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббий илмий кенгаш раиси М. Абдуллахўжаевага укаси
Марат АБДУЛЛАХЎЖАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
П. ДЮГАЙ,
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. КУЧЕРЕНКО,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Г. ПРОХОРЕНКО,
Ш. РИЗАЕВ,
А. САИДОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
И. ЎТБОСАРОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
А. ҲАЙДАРОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 133-52-55;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 71, 33553 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.
Навбатчи — Р. ЁРЛАҚАБОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 23.35
1 2 3 4 5 6